

АЖДОДЛАР МЕРОСИДАУСТОЗ-ШОГИРД МУНОСАБАТИ

МАЗМУНИ

Бобомуродова Н.Ж

БухДУ Экология ва география кафедраси

катта ўқитувчиси

Аннотация: мазкур мақолада аждодларимизнинг энг қадимги бебаҳо ёдгорлиги "Авесто" ва қадимги пандномалар мазмунидаги бўлажак мутахассисларда касбий тафаккурни ривожлантириш масалалари устоз-шогирд тизими асосда таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: миллий мерос, қадрият, "Авесто", касбий тафаккур, устоз-шогирд, фаолият, баркамол шахс.

СОДЕРЖАНИЕ ОТНОШЕНИЙ НАСТАВНИК-УЧЕНИК

В НАСЛЕДИИ ПРЕДКОВ

Бобомуродова Н.Ж.

Ст.преподаватель

кафедры Экологии и географии БухГУ

Аннотация: в данной статье на основе системы наставник-ученик анализируются вопросы развития профессионального мышления будущих специалистов в контексте древнейшего бесценного памятника наших предков «Авесты» и древних назиданий.

Ключевые слова: национальное наследие, ценности, «Авеста», профессиональное мышление, наставник-ученик, деятельность, всесторонне развитая личность.

CONTENT OF THE MENTOR-STUDENT RELATIONSHIP IN THE ANCESTORS' LEGACY

Bobomurodova N.Zh.

Senior teacher

Department of Ecology and Geography of BukhSU

Abstract: in this article, based on the mentor-student system, the issues of developing the professional thinking of future specialists are analyzed in the context of the most ancient invaluable monument of our ancestors “Avesta” and ancient edifications.

Key words: national heritage, values, Avesta, professional thinking, mentor-student, activity, comprehensively developed personality.

Бўлажак ўқитувчи шахсини шакллантириш муаммоси ҳар қайси кишилиқ жамиятининг эҳтиёжлари ва талабларидан келиб чиққан ҳолда ҳал қилинади. Шу боисдан ҳозирги даврда қабул қилиниши мўлжалланган янги “Таълим тўғрисида”ги қонун ва ушбу қонун асосида қабул қилинадиган меъёрий ҳужжатларда касб танлаш мотивлари, касбий тайёргарлик, касбий лаёқат ва касбий маҳорат билан чекланиб қолмасликни, балки бўлғуси педагогик кадрларда касбий тафаккурни таркиб топтириш мутлақо зарурий шарт эканлиги таъкидланади.

Аждодларимиз меросида ҳам устоз-шогирд муносабатлари асосида мураббийлик, ўқитувчилик касбининг ўзига хос этнопедагогик фазилатлари, хусусиятлари, ҳислатлари, қобилиятлари иш услублари маҳоратга эришишнинг йўллари, шахслараро муомала маданияти юзасидан халқнинг менталитетига турли таълимотлар, қарашлар талқини ўз ифодасини топган.

Ҳақиқатдан ҳам буюк тарихий-маънавий илдишларга эга бўлган давлатчилигимиз анъаналарини давом эттириш, демократик тамойилларга асосланган давлатни барпо этиш жараёни, жумладан жамият аъзолари ҳисобланмиш ёшларни ҳар томонлама етук, баркамол инсон бўлиб етишишларида аждодлар анъанаси ва ўтмиш қадриятлари муҳим восита бўлиб хизмат қилади. Дунёдаги энг қадимий ва ноёб билимлар хазинаси бўлган маданий меросимиз «Авесто»да инсоният тараққиёти, ривожини учун зарур барча илмлар мажмуаси, соҳалар, қонун-қоидалар, ахлоқий-ижтимоий меъёрлар ўз аксини топган. Шунингдек, асарда ахлоқий баркамоллик асосида, «комил инсон»ни вояга етказиш йўлида «эзгу фикр», «эзгу калом»,

«Эзгу амал» ғояларининг зикр этилиши зардуштийларнинг маънавий-маърифий олами моҳиятини ташкил этади.

Задуштийлик таълимотига кўра ҳар бир маздопарастнинг руҳан ва хулқан комиллиги, унинг яхшиликка юз тутиб, рост йўлни танлаб, дунёвий билимларни ўрганиб, ўз касбини эъзозлаган ҳолда Ахурамазда фарзларини нечоғлиқ адо этиши билан белгиланган. Зероки, қўш ҳайдаб, дон эккан, чорвани парваришлаб, чўлда боғ яратган, ернинг захини қочириб, шўрини ювиб зироат эккан зардуштий-нинг равони пок, хулқи хуш, амали чин бўлади.

Биз ушбу мақоламизда бўлажак ўқитувчилар касбий тафаккурини шакллантиришда “Авесто” матнларидаги устоз-шогирд тизими ҳамда устозларнинг бурч ва масъулиятлари ҳақидаги қарашлар мазмунини ёритишга ҳаракат қилдик.

“Авесто”даги маънавий-ахлоқий тарбиянинг асосини поктийнат, ҳалол, қалбан соф, маънан етук зардуштийларни тарбиялаш ва вояга етказиш масаласи ташкил қилиб, бу масалани амалга ошириш эса устоз ва мураббийлар зиммасига юклатилган. «Авесто»да устозлар ҳақида сўз кетганда энг аввало барча устозларнинг устози, мутлақ илоҳ Ахура Мазда мадҳ этилади: «-сен ашаҳ-Ҳақиқат сўзи ва Эзгу ният таълимоти билан, сенга пайвандлик ва унс боғлаган зотларга илк мураббий, устозсан», ёки «-сен ҳақиқатда, бутун мавжудотга Ашаҳ-Ҳақиқатнинг манфаати ва дуружнинг зиёнкорлиги хусусида сабоқ бергансан, тарбия қилгансан.[1] Булардан кўришиб турибдики Яздон оламини, дунёдаги барча билимларни яратувчи, Зардушт эса бу билимларни инсонларга етказиб уларни маърифатли келажакка ҳидоят этувчи ҳисобланади: «-Мазда таълим берди ва Зардушт хабар келтирди», ёки «-Мазда таълим бериб, Зардушт сўйлаган радларга олқишлар, хушнудлик ва офаринлар бўлсин». [1]

Гоҳлар ва Яштларда Зардушт Яздон ишини давом эттиргувчи, инсонларни ҳалолликка, пок ахлоққа, комилликка ундагувчи устозлар раҳнамози сифатида кўрсатилади. Ўз навбатида Зардушт таълимотини

келажак авлодга етказиш, дунёга эзгулик нурларини таратиш, инсониятни аниқ ахлоқий мезонлар асосида баркамоллаштириш жамиятдаги устозлар ва муаллимлар зиммасига юклатилган. Устоз-муаллимлар Яздон фарзларини дилига жой айлаган, ўз фаолиятида қўллаган, ватанининг гуллаб яшнаши, фаровонлиги йўлида ҳалол меҳнат қилиб, уни душманлардан ҳимоя қила оладиган, жасур, пок, билимдон шогирдларни тарбиялашлари шарт бўлган.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда қабул қилинган «Таълим тўғрисидаги» қонун, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» асосини ҳар томонлама етук, баркамол шахсни тарбиялаш масаласи ташкил қилар экан, аждодларимизнинг 3000-йил илгари бу аъмолга етишнинг йўллари, қоидаларини ишлаб чиқиб, давлат ва жамият тузилишининг негизига асос қилиб қўйганлари таҳсинга сазавордир : «-менга баркамол ва диноғох, ватансевар ва анжуманаро, аҳил, эзгу андишали, зулматдан, тангликдан кутқарувчи фарзандлар бағишла. Токи улар манзил, шаҳар, ўлка ва унинг ном ҳамда овозасини кўтарсинлар»[2]

“Авесто”да Зардуштийлик динининг асослари билан бир қаторда чорвани кўпайтириб, боғлар яратиш (аграномия), чўлга сув чиқазиб ернинг шўрини ювиб, захини қочириб ишлов бериш (мелиорация), осмон жисмлари, уларнинг ҳаракатини кузатиш ва шу асосда кун, йил, вақт ҳисобини олиб бориш (астрономия), дарёлар, тоғлар, вилоятлар, кишварлар таснифи (география), табиатни, атроф-муҳитни муҳофоза қилиш (экология, гигиена), юртни, халқни, чорвани душманлар, қароқчилар ва девлардан ҳимоя қилиш (ҳарбий билим), оиланинг тузилиши, оила ва жамиятда эркак-аёл масъулиятлари, вазифалари, бурчлари (ахлоқшунослик, социология) каби билимлар мажмуаси юксак маҳорат билан баён қилинганлиги обиданинг улкан адабий-маърифий, қомусий қимматга эга эканлигини кўрсатади. Шу билимларни умумлаштириб, бойитиб келажак авлодга етказиш устозлар ва муаллимлар учун юксак масъулият, бурч эканлигининг таъкидланиши диққатга сазавордир. Айни пайтда шу билимларни мактаб, мадрасаларда

ўқитиш йўналишлари, усуллари ва услубларини ишлаб чиқиш (педагогика, дидактика) доно муаллимлар, устозлар вазифаси ҳисобланган.

Адабиётлар:

1. “Авесто”.Тарихий-адабий ёдгорлик. А. Маҳкам таржимаси –Т.: Шарқ нашриёти- матбаа концерни. 2001
2. Абдуллаев К. Ф. Мыслители востока о педагогической профессии //Культура мира и ненасилия подрастающего поколения: ракурсы интерпретации и педагогические условия развития. – 2020. – С. 117-120.
3. Абдуллаев К. Ф. Истоки образование у зороастрийцев //European Social Science Journal. – 2012. – №. 10-1. – С. 337-342.
4. Абдуллаев, К. (2013). Початкова освіта у зороастрийцев (російську мовою). *Исследования в области сравнительного образования* , (1). <https://doi.org/10.31499/2306-5532.1.2012.18664>
5. Зороастрийские тексты. -Санкт-Петербург: «Нева», «Лесной сад». 1998.
6. Ҳомидов Ҳ. «Авесто» файзлари. -Т.: А.Қодирий номидаги Халқ мероси нашриёти. 2001.